БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИДАГИ ЎРНИГА ДОИР ЭЪТИРОФЛАР

Ҳ.БОЛТАБОЕВ, М.МАҲМУДОВ

В статье поднимается вопрос о признании роли династии бобуридов в истории государственности в свете книги С.М.Берк "Акбаршоҳ – величайший из бобуридов".

In this article are mentioned the question on recognition role of the dynasty Boburieds in a history of governments by the book S.M.Berk "Akbarshoh – greatest king of Boburieds".

Жаҳон тарихи қиролликлар, хонликлар ва сулолаларга бой. Маълум бўлишича, тахтга ўрнашган ҳар бир ҳукмдор ёки сулола ўзларининг қонуний тахт вориси эканини тайин қилишга уринган, бу борада ўнлаб тарихий асарлар ёздиришган, ҳужжатлар қолдиришган. Табиийки, бу ёдномаларнинг ҳаммаси ўша хонлик тарихини ўрганишда, унинг ўрнини белгилашда аҳамиятли. Марказий Осиёда юзлаб мўътабар манбалар яратилгани маълум, уларнинг маънавият хазинасидан ўрин олгани жаҳон афкор оммасига сир эмас. Бироқ ҳамма сулолалар тарихи ва хонликлар тараққиётини дунё олимлари баравар, бирдай эътироф этганлари ёки қабул қилганликларига шоҳид келтириш қийин. Шунга қарамай, Марказий Осиёдан чиққан буюк ҳукмдорлар сулолалари тарихи, айрим йирик жаҳонгирларнинг тарих саҳнасидаги ўрни ва роли етарли очиб берилмаган бўлса-да, дунёга машҳур сулолалар сифатида темурийлар ва уларнинг давомчилари бўлган бобурийлар тўғрисидаги манбалар тан олинган. Гарчи жаҳон ойнасида "буюк мўғул империяси" тарзида нотўғри ном билан сақланиб қолган бўлса-да, бу буюк салтанат тарихи ва унинг жаҳон давлатчилиги тараққиётидаги ўрнига бағишлаб ёзилган кўплаб тадқиқот ва рисолалар қўлга киритилган.

Шулардан бири Халқаро Бобур фонди томонидан топиб юртимизга келтирилган америкалик олим С.М.Беркнинг "Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги" асаридир. Бу асар ўзининг илмий изчиллиги, манбавий салмоғи ва баён тарзи билан хорижда Марказий Осиё ҳақида яратилган ишлардан жиддий фарқ қилади. Бу ҳолат, аввало, муаллиф таянган манбаларнинг ишонарлилиги, улардаги маълумот ва тафсилотларни ўзаро типологик жиҳатдан таҳлил қилиб, ҳақиқатга яқин тафсилотларни беришда кўринади. Олим ўз асарида таъкидлаганидек, бобурийлар салтанати ҳақидаги энг ишонарли манбалар шу сулола вакиллари томонидан ёзилган "Бобурнома", "Ҳумоюннома" ва "Тарихи Рашидий" асаридир. Шу билан бирга, бевосита Шоҳ Акбар саройида яшаган ва бутун воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, тафсилотлри билан қаламга олган Абулфазлнинг "Акбарнома" ва унинг таркибига кирган "Ойини Акбарий", Жавҳар Офтобачининг "Тазкирату-л-воқеъот",Низомиддин Аҳмаднинг "Табақоти Акбарий", Иштиёқ Ҳусайн Қурайшийнинг "Акбаршоҳ" асарлари ҳам ишончли манбалар ҳисобланади (муаллиф Бадоунийнинг "Мунтахабу-т-таворих» асарини бир оз иштибоҳ билан тилга олади). С.М.Берк бу асарлар қаторига айни воқеаларга ғарб нигоҳи билан қараган Мансератнинг "Акбар саройига қилинган сафар шарҳлари" асарини ҳам қўшади.

Мана шу бирламчи манбаларга таянган ҳолда ва масалага янада холисроқ қараш учун А.Бевериж, У.Эрскин каби жаҳонга машҳур таржимон ва олимларнинг шарҳларини чуқур таҳлилий нигоҳ билан ўрганади. Шу билан кифояланибгина қолмай, кейинги даврларда ўтган, бобурийлар сулоласига оид илмий асарлар яратган Смит Винсентнинг “Акбаршоҳ буюк мўғуллардандир”, Ҳ.Г.Киинниг “Ҳиндистон тарихига чизгилар”, Э.Маклаганнинг “Иезуитлар ва Буюк мўғул”, Ду Жарриунинг “Акбар ва Иезуитлар” каби асарлари билан баҳсга киришади, улардаги ноўрин талқин ва танқидларни тўғрилайди. Натижада замонавий олимнинг аниқ факт ва далиллар асосида мушоҳадавий-қиёсий йўл билан яратилган “Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги” китоби дунёга келди.

Муаллифнинг асарига баҳо бериш ва унинг тарих илмидаги ўрнини белгилаш бизнинг вазифамиз ҳисобланмаса-да, олим томонидан тилга олинган баъзи тафсилотлар хусусида сўз юритиш жоиз. С.М.Берк ёзади: “Бобуршоҳнинг томирларида марказий осиёлик машҳур саркардалардан иккитасининг қони жўш уриб турарди. Ота томонидан у Амир Темурнинг бешинчи авлодига мансуб бўлса, онасининг аждодлари томонидан ўн иккинчи бўғин сифатида Чингизхонга бориб тақалади... Бобур хотираномасида ўзини ва ўз ҳамроҳларини ҳақли равишда турклар деб атайди. Бироқ XIII – XIV асрлар давомида мўғулларнинг бир неча бор ҳужумларини бошдан кечирган ҳиндистонликлар шимолдан келган барча фотиҳларни «мўғуллар» деб атаганлар ва, ўз навбатида, бу сўзнинг нафақат талаффузи, балки маъноси ҳам бузилиб, натижада Бобуршоҳ қўшинига нисбатан ҳам «мўғуллар» атамаси ноўрин ишлатила бошланган”. Инглиз олимининг ушбу кузатиши бизни анча пайтдан бери ўйлантириб келган жиддий муаммони ўзига хос ечим томонга буради. Яъни, бобурийларга нисбатан қўлланган “мўғуллар” сўзи ҳиндистонликлар истилоҳида бобурийларгагина эмас, балки туркларга, ҳатто бошқа юртдан келган фотиҳларга муносабатда ишлатиладиган атама экани маълум бўлгач, темурий ва бобурийларнинг “мўғуллар” деб аталиши ҳинд “шева”сига оид бир лисон экани маълум бўлади. Ҳамонки, ҳиндлар томонидан шу номланиш қабул этилган экан, уларнинг истилоҳлари инглиз ва португалларга, улардан эса бутун дунёга тарқалиб, мана шу номаъқул ном бобурийлар сулоласининг ғарбона нисбасига айланиб қолиши сабабларини изоҳлайди.

Муаллиф қарашларидаги изчиллик яна шу билан белгиланадики, у гапни ўз мавзуининг боиси Акбаршоҳ шахси ёки идора усулидан бошлаб қўя қолмаган, балки масаланинг илдизига эътибор қаратиб, аввал буюк Темур ва темурийлар (Шоҳруҳ Мирзо ва Улуғбек), сўнгра Бобуршоҳ ва бобурийлар (Ҳумоюншоҳ ва Акбаршоҳ) сулоласига назар ташлаган. Ана шу жиҳатдан муаллиф “Тарихда осиёлик фотиҳлар ҳам жанговар маҳорати туфайли Юлий Цезарь, Александр Македонский ва Наполеон сингари дунё саҳнасидаги маълум ва машҳур жаҳонгирлар бўлиб етишдилар” дейиш билан эътиборни Темурийлар давлатига қаратади. Сўнгра Акбаршоҳга кўп фазилатлари наслий йўл билан ўтган улуғ бобоси Бобуршоҳга доир кузатишларини баён қилади. Америкалик олимнинг “Кўнгли очиқлик ва саховатпешаликда у (Бобуршоҳ – Ҳ.Б.) тенги йўқ киши эди. У ўз оила аъзоларига, қўл остидаги амир ва бекларга, сарбозларга, амалдорларга баъзан шунчалик кўп ҳадялар ва совға-саломлар қилганки, ҳатто ўзига ҳеч нарса олиб қолмаган. Шу боис уни “қаландар подшоҳ” деб ҳам атаган эдилар. У ўғли Ҳумоюннинг дардини ўзига олиб, унинг ҳаётини сақлаб қолганига ишонч ҳосил қилиб, ҳаётдан кўз юмди” каби ишончли эътирофлари асарда ўз аксини топган. Айрим ҳинд ва ғарб олимлари ишонқирамай қараган Бобуршоҳнинг сирли ўлими воқеасининг ўзига хос ечимини бирламчи манбалар асосида келтиради.

С.М.Берк асаридаги бошқа бир эътироф эътиборимизни тортади: “Диний эътиқодга кўра, Бобуршоҳ ҳанафия оқимидаги сунний мазҳабга мансуб мусулмон эди, Қуръони карим оятларини ёд билар ва уларни таҳлил қила оларди. У Аллоҳга садоқатли ва иймон-эътиқодли банда бўлиб, ҳаётидаги яхшилик ва ёмонлик аломатларини Тангри таолонинг иноятидан деб биларди”. Узун тафсилот ва шарҳларсиз ҳам олимнинг масалага холис ёндашаётганини сезиш мумкин.

Навбати билан Акбаршоҳнинг отаси Ҳумоюншоҳ ҳақида ёзганда, муаллиф қалами янада аниқлашади: “1556 йилнинг 24 январ куни шомга яқин у Деҳлидаги кутубхонасининг иккинчи қаватидан тушиб келаётганида азон овозини эшитди ва эътиқодга кўра, зинага ўтир-

моқчи бўлганида оёғи чопони этагига ўралашиб, қўлидаги асо сирғалиб мармар тошга тегди. У боши билан йиқилиб, ўнг чакка суяги қаттиқ лат еди ва ўнг қулоғидан қон келди. Орадан уч кун ўтгач, ёруғ олам билан видолашиб, дорул бақога рихлат қилди". Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда ўринлашишига бевосита алоқадор бўлган Ҳумоюншоҳ "...олиму уламолар, фозилу фузалолар ва шоирлар даврасида суҳбатда бўлишни жуда яхши кўрарди. Табиатан ўзи ҳам шоир табиатли киши бўлиб, унинг ғазаллар девони кўпларни мафтун қилган. Ҳумоюншоҳнинг китобсеварлиги ҳақидаги ҳикояларни мароқ билан ўқийсан киши. Жанубий ўлкаларга қилган юришларида у ноёб китоблар тўпланган кутубхонасини азиз ҳамроҳ сифатида ўзидан нари қилмасди... Эронда дарбадарликда юрганида ҳам мулозимлари орасида бир кутубхоначи ва унинг ёрдамчиси ҳамиша подшоҳга ҳамроҳлик қилиб юрарди... Ҳумоюншоҳ табиатан ўткир математик ва мунажжим бўлгани учун маълум жойларда обсерватория қуриш учун жиҳозлар тўплаб юрарди. У ҳафта давомидаги иш фаолиятини юлдузлар ҳаракати ва уларнинг вазиятига қараб ташкил этарди. У ўн икки буржга бўлинган чодир ва гилам ихтиро қилганди, ўзи эса ўша сайёралар рангига мос рангдаги кийим киярди. Ўзи ҳалокатга учраган куни оқшомда ҳам у ҳамкасб математикларни ўша куни кўзга ташланиши кутилган Зуҳро юлдузини кузатиш учун кутубхона томига таклиф этганди". Биз ҳозиргача ижодини етарли ўргана билмаганиз Ҳумоншоҳ истеъдодининг муҳим бир йўналиши ҳақидаги эътирофлар. Тўғрироғи, булар масаланинг қўйилиши ёки таҳлилга киришилиши лозим бўлган воқеалар аввалидаги кириш маълумотлар холос. Муаллиф ўз таҳлил объекти бўлган Акбаршоҳ ҳақида ёзганда янада изчил, асосли фикр юритади: "Кейинроқ, улғайгач кучли хотираси билан машҳур бўлган Акбар ўн беш ойлик чақалоқлигида бўлиб ўтган икки воқеани хотирасида сақлаб қолган экан". "Хотираси кучли бўлганлиги туфайли Акбар... ғайрат билан ўз билимини ошира борди. Унинг ихтиёрида 24 минг нусхадан иборат ноёб қўлёзма асарларни ўзида мужассам қилган кутубхона бўлиб, махсус тайинланган кишилар (масалан, Нақибхон – муал.) ҳар куни кечқурун подшоҳга китоб ўқиб берардилар ва бўш пайтларини доим олиму фозиллар даврасида ўтказарди". "...Бобоси Бобуршоҳ 11 ёшида Фарғона давлати тахтига ворис бўлгани сингари 13 яшарлик ҳукмдор Акбарнинг тахтга чиққан даври ҳам хавф-хатардан холи эмасди". Шундай ёш бир ўспириннинг нотаниш мамлакат ва таҳликали рақиблар орасида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, *Жалолиддин Муҳаммад Акбар Подшоҳи Ғозий* деб улуғланадиган шаҳаншоҳ даражасига эришиш йўли муаллиф томонидан изчил кузатилган. С.М.Берк Шоҳ Акбарнинг ўз оила аъзоларига бўлган муносабатидан тортиб Аллоҳга бўлган эътиқоди қадар мулоҳазалар гирдобида ўз фикрларини билдиради.

Акбаршоҳнинг эътиқоди ҳақида асосли фикрлар билан бирга турли уйдирмалар ҳам мавжуд. Ҳайратланарлиси шуки, Акбаршоҳнинг "Дини илоҳий" тариқини унинг хорижий мухолифларигина эмас, балки доимо ёнида бўлган ҳаммаслаклари ҳам шубҳа остига олган бир вақтда америкалик олим буни Шоҳ Акбарнинг ўз сўзлари билан изоҳлайди: "Мен шундай улкан салтанат соҳиби бўлсам-да, бу салтанатни бошқариш тизгинлари менинг қўлимда бўлса ҳам, инсоннинг улуғворлиги Аллоҳнинг иродасига итоат этишида деб биламан, - дейди буюк шоҳ. - Эътиқод ва тариқатларнинг хилма-хиллигини кўриб асабларим қақшайди... Қани энди иймони бутун ва эътиқоди мустаҳкам кишилар келсаю, юрагим ғашлигини ёзса!"

Бобурийлар салтанатига нисбатан берилган ноҳақ баҳолардан энг каттаси уларнинг босқинчиликда айбланишидир. Маълумки, ҳар қандай босқиндан мақсад – манфаат, яъни ўша босиб олгинган юрт бойликларини талаш, ташиб кетишдан иборат. Бу ҳақда С.М.Берк ёзади: "Акбаршоҳни босқинчиликда айблаётган У.Хейгнинг ватани бўлмиш Буюк Британия эса ўша пайтда дунёнинг каттагина қисмини, шу жумладан, Ҳиндистонни ҳам босиб олган эди. Қолаверса, Акбаршоҳнинг фотиҳлик сиёсати натижасида Ҳиндистоннинг бойликлари бошқа мамлакатга ташиб кетилган эмас". Айни фикрни нафақат Акбаршоҳга, балки бутун бобурийлар сулоласига нисбатан айтиш мумкин. Муаллиф асар давомида баён қилган мулоҳазалар асосида ўз фикрини шундай якунлайди: "Хуллас, ҳар жиҳатдан олиб қараганда ҳам Акбаршоҳ буюк даҳо эди".

Ўзбекистон Миллий университети,
2010 йил 8 февралда қабул қилинган